

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ АЗАМЖОН САЛИМЖОН ЎҒЛИ**

**ТАСКАЗГАН КОНИ ГРАФИТ РУДАСИНИ БОЙИТИШ ҲАМДА  
СУРКОВ ВА СИЛИКАТЛИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Турсунов Азамжон Салимжон ўғли**

Тасказган кони графит рудасини бойитиш ҳамда сурков ва силикатли материалларини қайта ишлаш технологияси..... 3

**Турсунов Азамжон Салимжон угли**

Технология обогащения и переработки графитовой руды Тасказганского месторождения на смазочные и силикатные материалы..... 21

**Tursunov Azamjon**

Technology of beneficiation and processing of graphite ore of the Taskazgan mine for lubricants and silicate materials ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ АЗАМЖОН САЛИМЖОН ЎҒЛИ**

**ТАСКАЗГАН КОНИ ГРАФИТ РУДАСИНИ БОЙИТИШ ҲАМДА  
СУРКОВ ВА СИЛИКАТЛИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган– 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3022** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турдиалиев Умид Мухтаралиевич**  
техника фанлари доктори, кат.илм. ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Султонов Боходир Элбекович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сейтназаров Атаназар Рейпназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**


Диссертация химояси Наманган муҳандислик технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 4 » март соат 14<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71; e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)).


Диссертация билан Наманган муҳандислик технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 522 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71.


Диссертация автореферати 2023 йил « 20 » феврал куни тарқатилди.

(2023 йил « 20 » февралдаги 2 - рақамли реестр баённомаси).



  
**О.К. Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

  
**Д.Ш. Шеркулиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
т.ф.д., проф.

  
**З.К. Дедюкинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда юқори ҳароратга чидамли учуш қурилмаларининг конструкциялари, электр двигателларининг чўткалари, электролиз жараёнларидаги электродлар, ишқорий литий-ион батареялари аноди учун қимматли материал сифатида графитнинг доимий равишда ишлаб чиқарилишининг ўсиши кузатилмоқда. Бундан ташқари, графит сурков ва юқори ҳароратга чидамли материаллар ишлаб чиқаришда, ядро реакторлари энергоблокларида, металлургияда қуйма қолиплар ва графит толали маҳсулотларда ишқаланишга қарши материаллар олишда ўзини яхши намоён қилмоқда. Мамлакатимизда графит ишлаб чиқариш йўқлиги сабабли, захираси етарлича катта бўлган Тасказган конининг графит рудаларини қайта ишлашга катта эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда кўпик ҳосил қилувчи (терпен мойи, метилизобутилкарбинол), йиғувчи (керосин) ва депрессор (натрий силикат) вазифасини бажарадиган анъанавий реагентларни қўллаган ҳолда, бойитилиши қийин бўлган графит рудаларини флотацион усулда бойитиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, самарали флотореагентларни танлаш ва уларнинг сарфини камайтириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга; жараённинг кўп босқичлилигига йўл қўймайдиган самарали қурилма ва технологик ёндашувни яратишга; кичик миқдорда ягона кимёвий реагент ёрдамида графит рудасини бойитишга; саноат учун зарур бўлган Тасказган кони графит рудасини бойитишнинг ресурс ва энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда саноат тармоқлари учун муҳим бўлган графит концентратини сурков ва оловбардош материалларга қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлардан оловбардош ва сурков материаллари, электрчўтқалар, пайвандлаш электродлари, металл буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тавраққийёт стратегиясининг учинчи йўналишида «... миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини ошириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар қайд этилган. Бу борада, Тасказган конининг графит рудаларини бойитиш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш асосида импорт ўрнини босувчи сурков ва оловбардош материаллар олиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамия касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3145-сон «Минерал хомашёни қазиб олиш технологияси ва комплекс қайта ишлаш соҳасида асосий ва тегишли қимматли компонентларни максимал даражада қазиб олишни ҳисобга олган ҳолда амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлиги тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон қарори.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2021 йил 13 феврал ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, кўшилган қиймати юқори бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII - «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда углерод тутган рудаларнинг таркиби ва хусусиятларини ўрганиш, жумладан графит ва каолин рудаларини бойитиш усулларини яратиш, олинган концентратларни саноатнинг турли соҳаларида қўллашга бағишланган бир қанча ишлар олиб борилган. Хорижлик олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики (Е.И.Жмуриков, И.А.Бубненко, D.R. Cooper, B.D. Anjou), углерод хомашёларини бойитишни, графит ва ёт жинсларни майдаланиш хоссасига қараб руда қазиб олишда жинсни танлаб майдалаш орқали олиб бориш, шунингдек, флотация усули (S.C.Chelgani, C.L.Yue, V.E.Ross, Q.Yangshuai) орқали амалга ошириш мумкин. Янги турдаги сурков ва юқори ҳароратга чидамли материаллар ишлаб чиқилган (Д.А.Ю.Аль-Саади, В.Ф.Першин, А.Н.Петров, А.В.Яговцев, W.S.Resende, R.M.Stoll). Германияда графит рудасини бойитишнинг кимёвий: ишқорли куйдириш, фторид кислотаси билан ишлов бериш, сўнгра хлорли куйдириш усули ишлаб чиқилган. Бу усул графит рудаларини тозалашда физик усулларга (кўпикли флотация, оғирлик кучи таъсирида ажратиш, плёнкали флотация, икки суюқликли ажратиш) караганда самаралироқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда қатор олимлар, Тошкент кимё-технология институтида М.Х.Арипова, З.А.Бабаханова, Навоий давлат кончилик институтида - Э.А.Абдурахманов, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида - Д.К.Адиллов, Р.К.Аҳмедов, Геология ва геофизика институтида А.Х.Туресебек; НКМК ходимлари - Ш.Р.Шукуров ва Б.И.Мирходжаев ва бошқалар бошчилигида графит рудасини бойитиш ва графит асосида оловбардош материаллар олиш ҳамда уни бошқа саноат соҳаларида қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган ва муҳим натижаларга эришилган. Бироқ йиғувчи колектор ва кўпикловчи кам сарфланадиган универсал реагентни графит рудасини флотацион бойитишда қўллаш тўғрисида маълумотлар йўқ ҳамда графит концентратини сурков ва оловбардош материалларга қайта ишлаш масалалари батафсил кўриб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий тадқиқот ишларининг мавзулари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология

институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170930394 “Графитли сурков махсулот олиш мақсадида Тасказган кони графит рудаларини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2017-2019 йй.) амалий ва №104/14-сонли “Тасказган кони маъданидан электротехника, металлургия ва кимё саноатида фойдаланишга яроқли бўлган графит бойитмасини олиш” (2021 й) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тасказган кони графит рудасини самарали бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш ва графитли сурков ҳамда оловбардош материалларини олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тасказган конининг графит рудасининг кимёвий-минералогик ва технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

анъанавий флотореагентлардан фойдаланган ҳолда Тасказган графит рудасини бойитиш жараёнига технологик омилларнинг таъсирини ўрганиш;

универсал УГК флотореагентидан фойдаланган ҳолда Тасказган графит рудасини бойитиш жараёнини ўрганиш ва флотомашинада концентрат олишнинг мақбул шароитларини топиш;

Навоий КМК ДК шароитида ишлаб чиқилган технология бўйича графит концентратининг тажриба-саноат партиясини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш;

графит рудаси янги махсулотлари ва графитли сурков мойи учун илмий-техник ҳужжатларни (ИТХ) ишлаб чиқиш;

каолин:шамот : графит концентрати нисбатларига боғлиқ равишда графит - шамотли оловбардош материалининг мақбул таркибларини ишлаб чиқиш;

янги намунадаги оловбардош материалларининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш;

графит тутган оловбардош материалларининг ГОСТ 4596-75 мувофиқлиги бўйича физик-кимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тасказган конининг бойитилмаган графит рудаси, маҳаллий ва хорижий кўпикловчи моддалар ҳамда йиғувчилар, УГК реагенти (кўпиклаштирувчи ва суюлтирувчи), графит концентратидан сурков материалларининг тажриба намуналари, шунингдек, Ангрен конининг каолинидан олинган силикат материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Тасказган конининг графит рудасини бойитиш ва графит концентрати ва Ангрен кони каолини асосида графит сурков ва силикатли материални олиш жараёнини ўрганишдан ташкил топган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, физик ва кимёвий (рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, сканерловчи электрон-микроскопия) таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Тасказган кони графит рудаларининг кимёвий-минералогик таркиби ва структуравий тузилиши, физик-кимёвий, анъанавий ва технологик тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланган;

хорижий ва маҳаллий йиғувчи ва кўпикловчи кимёвий реагентларни қўллаб графит рудасини бойитишнинг мақбул шароитлари топилган;

графит рудасини керакли синфгача майдаланиш кинетикасининг ва бойитилган графит концентратининг мақбул ҳолатда чиқиши учун майда заррачаларнинг мақбул миқдорини майдаланиш вақтининг корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

графит рудасини ҳам кўпик ҳосил қилувчи, ҳам йиғувчи вазифасини бажарувчи универсал УГК реагент билан флотацион бойитишнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

рентгенфазали, ИҚ-спектроскопик ва сканерловчи электрон микроскопик таҳлил усуллари ёрдамида сурков ва оловбардош материалларни олиш талабларига тўлиқ жавоб берадиган графит концентратининг мақбул таркиби аниқланган;

графит-шамот оловбардош материалларининг физик-механик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ўзгаришининг каолин : шамот : графит концентрати масса нисбатига боғлиқлиги аниқланган;

графит рудасини бойитиш ва қайта ишлаш орқали сурков ва оловбардош материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тасказган конининг графит рудасини технологик кўрсаткичлари яхшиланган, комплекс таъсир этувчи универсал кўпиклаштирувчи УГК билан флотацион бойитиш технологияси ишлаб чиқилган;

физик-кимёвий хусусиятларига кўра ГОСТ 3333-80 ва 8295-73 талабларига мос келувчи графит концентратининг сурков материалларига қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ГОСТ 4596-75 га мос келадиган, маҳаллий хомашёлардан олинган графит-шамот оловбардош материалининг мақбул композицион таркиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллариининг натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анъанавий ва УГК (кўпикловчи ва йиғувчи) ёрдамида Тасказган конининг графит рудаларини бойитишнинг қиёсий натижа жараёнларини қайта ишлаш вақти, С:Қ нисбати ва кўшимчалар миқдорига, шунингдек сурков материаллари ва оловбардош материаллар олишнинг дастлабки хомашёга нисбатан корреляцион боғлиқлигини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, графит рудасини 3 марталик тозалаш циклида универсал УГК реагенти ёрдамида флотацион бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда олинган ушбу концентратдан ГОСТ нинг барча меъёрларига мос келувчи сурков материаллари ва графит-шамот оловбардош ғиштларини олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тасказган графит рудасини бойитиш ва қайта ишлаш орқали сурков ва силикат материалларини



олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Тасказган конининг графит рудасини флотацион бойитиш технологияси “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖДа амалиётга жорий этилган. (“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2022 йил 27 июндаги 23.01-01-07/434-сонли маълумотномаси). Натижада, сурков ва оловбардош материаллар ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган флотоконцентратини олишда, маҳаллий универсал УГК кўпиклаштирувчи реагентдан фойдаланиш имкониятини беради;

графит рудаларини янги турдаги реагентлар билан бойитиш технологияси «SPZ-BEARINGS» ҚҚда “2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган. («SPZ-BEARINGS» ҚҚнинг 2022 йил 28 июндаги 83/06-22-сонли маълумотномаси). Натижада, графит сурков материалининг янги турини келгусида электротехника, машинасозлик, металлургия ва кимё саноатида қўллаш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 4 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белги ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва мавзуси Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги тавсифланган, илмий инновациялар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, натижалар амалиётга жорий этилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Графит рудаларини бойитиш ва қайта ишлаш масаласининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида углероднинг аллотропик модификацияси ва унинг структура тузилиши тавсифланган. Табiiй графитнинг физик хусусиятлари. Одатда табiiй графит тангачали, зич кристалли ва аморф турларга бўлинади. Графитдан турли соҳаларда фойдаланиш истиқболлари кўрсатилган. Жаҳон миқёсида турли конлардан графит қазиб олиш ва ишлаб чиқариш таҳлил қилинган ва ушбу турдаги хомашёни етказиб бериш билан шуғулланадиган бир қатор мамлакатлар

рўйхати келтирилган. Шунингдек, графит рудаларини флотацион усулда бойитишнинг турли хил технологик комбинациялари тақдим этилган. Тангачали турдаги графит рудаларини бойитишда флотореагентларнинг роли ва таркибида юқори углерод тутган концентратни максимал даражада олиш усуллари кўрсатилган. Сирт фаол моддалар ва бошқа турдаги кўшимчалар ёрдамида графит сурков мойларини олиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Хомашё материалларининг тавсифи ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Тасказган кони графит рудасининг пайдо бўлиши, жойлашиши, ҳажми, захираси ва физик-кимёвий тавсифи келтирилган. Тасказган конининг графит рудасини бойитиш учун флотореагентлар сифатида анъанавий йиғувчилар ва кўпикловчи моддалар тақдим этилган. Тармоқланмаган алкилбензолни сульфатлаш натижасида олинадиган ва ювиш воситаларининг таркибий қисмлари сифатида ишлатиладиган, рудаларни флотация қилиш учун қўлланиладиган сирт фаол моддалар учун фойдаланиладиган УГК - (алкилбензолсульфокислота-АБСК) реагентининг физик хусусиятлари кўрсатилган. Ушбу универсал флотореагент, йиғувчи ва кўпикловчи реагент ўрнида тавсия этилган.

Қиёсий маълумотлар олиш учун Тасказган кони графит рудасининг *Essa FTM101* маркали флотация машинасида (камера ҳажми – 2,5 литр) анъанавий ва янги турдаги флотореагентлардан фойдаланган ҳолда бойитиш усули келтирилган. Физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида дастлабки руданинг моддий ва минералогик таркиби тадқиқ қилинган, шунингдек унинг намлиги, кул миқдори ва бошқа кўрсаткичлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тасказган кони графит рудасини флотацион усулда бойитиш жараёнини тадқиқ қилиш”** номли учунчи бобида, турли хилдаги флотореагентларнинг Тасказган кони графит рудасини *Essa FTM101* маркали флотомашинада бойитиш жараёнига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тажрибаларда қуйидаги йиғувчилар: керосин (КЕ), мотор мойи (ММ), иммерсион мой (ИМ), трансформатор мойи (ТМ), ишлатилган машина мойи (ИММ), саноат мойи (СМ). Кўпикловчилар, шу жумладан янги маҳаллий: қарағай ёғи, Т92, Т66, Т80, ПТ-2, ПТ-4, УГК ишлатилган Синов натижалари шуни кўрсатдики, доимий миқдоридаги ПТ-2 кўпиклагич ва ҳар хил миқдордаги йиғувчи ёрдамида графит концентратининг оптимал чиқиши КЕ йиғувчининг 0,02 мл миқдорида ва ПТ-2 кўпиклаштиргичининг 0,22 мл миқдорида эришилди.

1-жадвалда ўтказилган синовлар натижалари турли тип ва комбинациядаги йиғувчи ва кўпикловчиларнинг графит концентратини чиқишига таъсири кўрсатилган. Графит концентратнинг орқали максимал чиқиши флотореагентлар қуйидаги нисбатларда: КЕ (0.016 гр.) + кўпиклаштиргич ПТ-2 (0.202 гр.) ва ТМ (0.016 гр.) + кўпиклаштиргич ПТ-2 (0.202 гр.) мослашувчанлиги аниқланди.

**Тазказган конининг графит рудасини флотацион бойитишга ҳар хил турдаги йиғувчилар ва кўпикловчиларнинг таъсири**

| №           | Йиғувчиларнинг номи | Йиғувчиларнинг миқдори |       | Кўпикловчиларнинг номи ва миқдори |       | 50 гр. рудадан графитнинг чиқиши |      | 50 гр. рудадаги қолдиқ масса |      |
|-------------|---------------------|------------------------|-------|-----------------------------------|-------|----------------------------------|------|------------------------------|------|
|             |                     | томчи                  | гр.   | томчи                             | гр.   | гр.                              | %    | гр.                          | %    |
| <b>ПТ-2</b> |                     |                        |       |                                   |       |                                  |      |                              |      |
| 1           | КЕ                  | 4                      | 0.016 | 10                                | 0.202 | 29.7                             | 59.4 | 17.3                         | 34.6 |
| 2           | ТМ                  | 4                      | 0.017 | 10                                | 0.202 | 30.7                             | 61.4 | 16.8                         | 33.6 |
| 3           | ИМ                  | 4                      | 0.025 | 10                                | 0.202 | 28.6                             | 57.2 | 17.2                         | 34.4 |
| 4           | ИММ                 | 4                      | 0.100 | 10                                | 0.202 | 29.2                             | 58.4 | 16.3                         | 32.6 |
| <b>Т-92</b> |                     |                        |       |                                   |       |                                  |      |                              |      |
| 5           | КЕ                  | 1                      | 0.004 | 4                                 | 0.090 | 25.3                             | 50.6 | 22.1                         | 44.2 |
| 6           | ТМ                  | 1                      | 0.004 | 4                                 | 0.090 | 25.1                             | 50.2 | 23.7                         | 47.4 |
| 7           | ИМ                  | 1                      | 0.006 | 4                                 | 0.090 | 23.7                             | 47.4 | 25.25                        | 50.5 |
| 8           | ИММ                 | 1                      | 0.025 | 4                                 | 0.090 | 24.8                             | 49.6 | 22.7                         | 45.4 |
| <b>ПТ-4</b> |                     |                        |       |                                   |       |                                  |      |                              |      |
| 9           | КЕ                  | 4                      | 0.016 | 10                                | 0.202 | 26.4                             | 52.8 | 22.4                         | 44.8 |
| 10          | ТМ                  | 4                      | 0.016 | 10                                | 0.202 | 25.3                             | 50.6 | 21.8                         | 43.6 |
| 11          | ИМ                  | 4                      | 0.016 | 10                                | 0.202 | 25.8                             | 51.6 | 20.75                        | 41.5 |
| 12          | ИММ                 | 4                      | 0.016 | 10                                | 0.202 | 25.2                             | 50.4 | 23.7                         | 47.4 |
| <b>СУ</b>   |                     |                        |       |                                   |       |                                  |      |                              |      |
| 13          | КЕ                  | 1                      | 0.004 | 9                                 | 0.200 | 23.7                             | 47.4 | 24.0                         | 48.0 |
| 14          | ТМ                  | 1                      | 0.004 | 9                                 | 0.200 | 22.8                             | 45.6 | 24.85                        | 49.7 |
| 15          | ИМ                  | 1                      | 0.006 | 9                                 | 0.200 | 20.5                             | 41.0 | 27.2                         | 54.4 |
| 16          | ИММ                 | 1                      | 0.025 | 9                                 | 0.200 | 23.2                             | 46.4 | 25.15                        | 50.3 |

Бундан ташқари, йиғувчи сифатида керосин, ПТ-2 кўпиклаштиргич билан флотациялаш тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, графит концентратининг максимал чиқиши 1:6 нисбатда, яъни 300 мл сув ва 50 гр. бойитилмаган графит рудаси бўлган ҳолатда кузатилди.

Лаборатория шароитида Тазказган конининг графит рудасини биринчи, иккинчи ва учинчи флотацион бойитишдан сўнг, графит концентрати ва қолдиқ массанинг тажриба намуналари олинган, уларнинг технологик хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

Қайта ишлашнинг турли босқичларида бойитилган рудаларнинг олинган намуналари Навоий шаҳар НКМКМИТЛ га углерод чиқиш миқдорини аниқлаш учун топширилган, уларнинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Углерод миқдори 96% гача бўлган тоза графит концентратини олиш учун танланган флотореагентлар (йиғувчи КЕ + кўпикловчи реагент ПТ-2) билан олти мартаба флотацион тозалаш керак бўлади. 1 тонна графит рудаси учун ПТ-2 кўпикловчи реагентнинг сарфи 3,0 кг, КЕ нинг сарфи эса 0,5 кг ни ташкил этди. Графитни олти мартаба тозалашдан кейин графит концентратини чиқиши 46,85 г (93,7%) ни ташкил этди.

**Турли хил бойитиш босқичларидан кейин графит концентратининг  
технологик хусусиятлари**

| Флотация № | Флотация учун ишлатилган сув (l), t=20 °C | Йиғувчи керосин(КЕ) микдори, томчи/грамм | Фаоллаштириш вақти (мин) | Кўпикловчи реагент ПТ-2 микдори, томчи/грамм | Флотация вақти (мин) | 50 гр. графит рудасидан олинган графит концентрати |      | 50 гр. графит рудасининг флотациядан кейинги қолдиғи |      | Флотация жараёнида графит рудасининг йўқотилиши |     |
|------------|---|--|--------------------------|--|----------------------|--|------|--|------|---|-----|
|            |   |  |                          |  |                      | грамм  | %    | грамм  | %    | грамм   | %   |
| 1          | 1   | 4/0.016                                  | 7                        | 10/0.202                                     | 7                    | 29.7   | 59.4 | 17.3   | 34.6 | 3.0   | 6.0 |
| 2          | 1   | 4/0.016                                  | 7                        | 7/0.141                                      | 5                    | 39.3   | 78.6 | 9.8  | 19.6 | 0.9   | 1.8 |
| 3          | 1   | 4/0.016                                  | 7                        | 6/0.024                                      | 2                    | 43.3   | 86.6 | 5.5  | 11.0 | 1.2   | 2.4 |

**Бойитилган графит концентратининг тажриба намуналарида углерод  
миқдори**

| № | Материалнинг номи                              | Углероднинг миқдори (%) |
|---|--|-------------------------|
| 1 | Бойитилмаган графит рудаси                     | 17.1                    |
| 2 | 1-босқич бойитишдан кейинги графит концентрати | 25.0                    |
| 3 | 1-босқичдан кейинги қолдиқ                     | 7.3                     |
| 4 | 2-босқич бойитишдан кейинги графит концентрати | 31.0                    |
| 5 | 2-босқичдан кейинги қолдиқ                     | 4.0                     |
| 6 | 3-босқич бойитишдан кейинги графит концентрати | 35.1                    |
| 7 | 3-босқичдан кейинги қолдиқ                     | 11.3                    |

Олинган концентратлар ҳосил бўлган майда кристалли графит миқдорининг қийматини аниқлаш учун рентгенографик таҳлилдан ўтказилди. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, олти марта бойитилган графит концентратининг углерод миқдори 96% ни ташкил қилади.

Кейинги тадқиқотлар юқори молекуляр синтетик-модификацияланган, сирт фаол моддалар гуруҳига тегишли бўлган чизикли полимер, янги маҳаллий УГК кўпикловчи реагентини қўллашга қаратилган. Сув ва графит рудасининг турли нисбатлардаги таъсирини аниқлаш учун 1:2 нисбатидан 1:8 нисбатигача кўпикловчи моддалар билан бир қатор лаборатория синовларини ўтказдик (4-жадвал). Экспериментал йўл билан шуниси аниқландики, бўтқа ичига йиғувчи (керосин) киритилганда ва кейин УГК кўпикловчи реагенти қўлланилган сўнг, кўпик миқдори йиғувчисиз бўлганидан кўра анча кам эканлиги аниқланди, бу ҳолда йиғувчи ўзини кўпик сўндирувчи сифатида намоён қилган. Шунга кўра, бу графит рудасини бойитиш жараёнига, хусусан, графит концентратининг чиқишига салбий таъсир кўрсатди.

**Essa FTM101 флотомашинасида графит рудасини флотация қилиш  
жараёнига сув : руда нисбатининг таъсири**

| Номланиши  | Сув<br>миқдори<br>(л), | Графит<br>рудаси<br>(гр.). | УГК<br>Флотореагент<br>миқдори,<br>(гр. · томчи) | Флота-<br>ция<br>вақти<br>(мин) | Тайёр<br>концентратсия<br>чиқиши<br>(гр.), (%) | Флотациядан<br>кейинги<br>қолдиқ<br>(гр.), (%) |
|------------|------------------------|----------------------------|--|---------------------------------|--|--|
| 1:2        |                        |                            |  |                                 |  |  |
| Намуна 1-6 | 15                     | 1250                       | 0.031·22 (0.682)                                 | 80                              | 872.7 (69.8%)                                  | 293.4 (23.5%)                                  |
| 1:4        |                        |                            |  |                                 |  |  |
| Намуна 1-5 | 12.5                   | 625                        | 0.031·20 (0.62)                                  | 60                              | 430.2 (68.8%)                                  | 146.6 (23.4%)                                  |
| 1:6        |                        |                            |  |                                 |  |  |
| Намуна 1-3 | 10.2                   | 416                        | 0.031·16 (0.496)                                 | 36                              | 292.13 (70.2%)                                 | 98.3 (23.6%)                                   |
| 1:8        |                        |                            |  |                                 |  |  |
| Намуна 1-3 | 10.2                   | 312.5                      | 0.031·16 (0.496)                                 | 25                              | 212.4 (67.9%)                                  | 72.3 (23.1%)                                   |

Шундан келиб чиққан ҳолда, тажрибанинг 1-чи босқичида *Essa FTM101* флотомашинаси камерасига хона ҳароратида 1000 см<sup>3</sup> сув қуйилди, керосин (0,016 г) қўшилди ва 7 дақиқа давомида аралаштирилди, сўнгра 0,074 мм ўлчамгача майдаланган графит рудаси флотомашина камерасига 50 гр. миқдорда солинди ва 3 дақиқа аралаштирилди ва 10 томчи кўпикловчи ПТ-2 (0,202 гр.) қўшилди. Фаоллаштириш ва аэрациядан сўнг ажратиш жараёни содир бўлади ва графит концентрати минераллашган кўпик шаклида тўпланеди, сўнгра кўпик йиғувчи ёрдамида идишга қуйилади. Камерадаги бўтқа сатҳи сув ёрдамида ушлаб турилди. Флотация минераллашган кўпик тўлиқ йўқолгунча ёки маълум вақт давомида (18-20 дақиқа) олиб борилади. Шундан сўнг, йиғилган кўпик вакуум филтрдан ўтказилди ва филтрда қолган қолдиқ печда 90-100 °С ҳароратда қуритилди. 1-чи бойитиш натижасида 29,7 гр. (59,4%) миқдорида графит концентратини олиш мумкин. 2-чи босқичда жараёнларнинг худди шу босқичлари аввалгида бўлгани каби амалга оширилди, фақат йиғувчи (КЕ) берилмаган ҳолда, УГК универсал кўпикловчи реагентдан 6 томчи (0,248 гр.) қўшилди. Биринчи бойитиш натижасида 24 гр. (48,0%) миқдорда графит концентрати олинди. Ҳар хил турдаги кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг графит концентратини олиш даражасига таъсири 5-жадвалда келтирилган.

Тажрибалар натижасида биринчи тажриба бўйича флотацион бойитиш пайтида ПТ-2 кўпикловчи реагентнинг сарфи 2,5-3,0 кг/т, йиғувчи (керосин) сарфи эса 0,5 кг/т ни ташкил этганлиги аниқланди.


Умуман олганда, УГК кўпикловчи реагентнинг сарфи йиғувчиларни ишлатмаган ҳолда 0,70-0,85 кг/т ни ташкил қилади, бу кимёвий реагентларга кетган харажатларни тежашга имкон беради, флотация вақтини қисқартиради, энергия ресурсларидан фойдаланиш харажатларини камайтиради ва технологик жараённи соддалаштиради.

### Турли флотореагентлар билан флотациянинг қиёсий якуний натижалари

| Кўпикловчи номи                  | Кўпикловчи миқдори |       | КЕ йиғувчининг миқдори |       | Олинган графит |      | Қуруқ қолдиқ |      |
|----------------------------------|--------------------|-------|------------------------|-------|----------------|------|--------------|------|
|                                  | томчи              | гр.   | томчи                  | гр.   | гр.            | %    | гр.          | %    |
| 1:6 (300 мл сув - 50 гр. руда)   |                    |       |                        |       |                |      |              |      |
| ПТ-2                             | 10                 | 0.202 | 4                      | 0.016 | 29.7           | 59.4 | 17.3         | 34.6 |
| 1:6 (2500 мл сув - 416 гр. руда) |                    |       |                        |       |                |      |              |      |
| УГК                              | 8                  | 0.496 | -                      | -     | 292.13         | 70.2 | 98.3         | 23.6 |

1-расмда графит рудаси хомашёси, бойитишнинг 1 ва 2 босқичларидан кейинги концентратлар, шунингдек флотацион бойитишнинг қолдиқ массаси (хвост) рентгенограммалари кўрсатилган.

Рентгенфаза таҳлил натижалари (1-расм) шуни кўрсатдики, бойитилган графит рудаси намуналарининг рентгенограммаларида интенсив чўққилар ўзгариши  $d=0,337; 0,203; 0,168; 0,54$  нм, майда кристалли графитга мос келганлигини кўрсатди. Бунда бойитиш босқичларининг оширилиши билан интенсивлик даражаси ҳам ортади.



1-расм. Графит рудаси (а), 1-босқич бойитишдан кейинги(б) ва 2-босқич бойитишдан кейинги(в) концентратлар, флотация қолдиғи(гр.) рентгенограммалари

Олиб борилган лаборатория тажрибалари натижаларига кўра УГК кўпикловчи реагенти мисолида графит рудаси кукунини уч босқичли бойитишни энг мақбул натижалари танлаб олинди (6-жадвал).

7-жадвалда УГК флотореагентидан фойдаланган ҳолда, уч марталик флотацион бойитишдаги углероднинг концентратга чиқиши бўйича моддий баланс маълумотлари келтирилган. Кўришиб турибдики, УГК кўпикли

агентидан фойдаланган ҳолда, уч марталик флотацион бойитиш билан олинган концентратдаги углероднинг умумий чиқиши 90,11-92,22% ни ташкил этди.

6-жадвал

### Графит рудасини уч марта флотацион бойитиш натижалари

| Номи                       | Сув микдори (л), | Графит рудаси (гр.). | УГК флотореагент микдори, (гр.·томчи) | Флотация вақти (мин) | Тайёр концентрат чиқиши (гр.), (%) | Флотациядан кейинги қолдиқ (гр.), (%) |
|----------------------------|------------------|----------------------|---------------------------------------|----------------------|------------------------------------|---------------------------------------|
| Биринчи бойитишдаги графит |                  |                      |                                       |                      |                                    | 98.3<br>(23.6%)                       |
| Намуна 1                   | 2.5+2.5=5.0      | 416.0                | 0.279                                 | 10                   | 222.34 (53.4%)                     |                                       |
| Иккинчи бойитишдаги графит |                  |                      |                                       |                      |                                    |                                       |
| Намуна 2                   | 2.6              | -                    | 0.155                                 | 16                   | 51.06 (12.3%)                      |                                       |
| Учинчи бойитишдаги графит  |                  |                      |                                       |                      |                                    |                                       |
| Намуна 3                   | 2.6              | -                    | 0.062                                 | 10                   | 18.73 (4.5%)                       |                                       |

7-жадвал


### УГК қўлланган ҳолда уч марта флотацион бойитилган намуналардаги углерод микдори

| Намунанинг номи                | Намунанинг курук массаси, гр. | Намунадаги углерод улуши, % | Намунадаги углерод микдори, гр. | Углероднинг чиқиши, % |
|--------------------------------|-------------------------------|-----------------------------|---------------------------------|-----------------------|
| Графит рудаси                  | 416.0                         | 24.9                        | 103.584                         | 100*                  |
| Биринчи бойитишдаги концентрат | 222.34                        | 32.4                        | 72.038                          | 69.54                 |
| Иккинчи бойитишдаги концентрат | 51.06                         | 30.3                        | 15.471                          | 14.93                 |
| Учинчи бойитишдаги концентрат  | 18.73                         | 31.2                        | 5.843                           | 5.64                  |
| Қолдиқ                         | 98.3                          | 8.2                         | 8.06                            | 7.78**                |


Эслатма: \* - 100 сони шартли равишда графит рудаси намунасидаги углероднинг умумий фоиз улушини англатади (массаси 416 гр.) 69.54

\*\* - 7.78 сони - қолдиқда қолган углероднинг фоиз улуши.

Концентрат намунаси LEICA DM электрон микроскопида ўрганилган, ҳамда спектрограммаларда иккита 15 ва 16 худудларнинг кимёвий таркиби берилган (2 ва 3-расмлар).



2-расм. 15-худуд графит концентратининг кимёвий ва элементар таркиби




3-расм. 16- худуд графит концентратининг кимёвий ва элементар таркиби

Расмлардан кўриниб турибдики, графит концентратидаги углерод миқдори 84,5-90,25 % оралиғида бўлмоқда.

Тасказган графит рудасини флотацион бойитишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, у 3 босқичдан: намуна олиш, майдалаш ва саралаш, босқичма-босқич тозалаш ва концентрат ҳамда қолдиқларни қуритишдан иборат (4-расм).

Технологик схемадан кўриниб турибдики, графит рудасини флотацион бойитишда универсал кўпикловчи реагент – УГК, ҳам йиғувчи ҳам кўпикловчи реагент вазифасини бажаради, натижада бошқа флотореагентлардан фойдаланиш талаб этилмайди.



**4-расм. Графит рудасини бойитишнинг принципиал схемаси:**

1-тасмали транспортёр; 2-жағли майдалагич; 3-шарли тегирмон; 4-элеватор; 5-майдаланган графит рудаси йиғгичи; 6-флотацион машина; 7-7а,7б,7с-1, 2, 3 графит концентрати; 8-куритиш печи; 9-қолдиқ; 10-УГК реагенти учун бак; 11-сув учун сифим.

Диссертациянинг “Тасказган конининг бойитилган графитлари асосида графит-шамот оловбардош маҳсулотлари ва сурков материалларининг оптимал таркибини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовларини ўтказиш” деб номланган тўртинчи боби графит-шамот оловбардош материалларининг таркибини ишлаб чиқиш ва технологик хусусиятларини синовдан ўтказишга бағишланган. Тадқиқот учун биз Тасказган конини УГК флоатреагенти билан бойитиб олинган графитдан фойдаландик. Шамот АКФ-78 маркали бойитилган Ангрэн гилини 750-850°С ҳароратда куйдириш орқали олинган. Боғловчи модда сифатида бойитилмаган Ангрэн каолин гилидан фойдаланилди (8-жадвал). 8-жадвалдан кўриниб турибдики, бойитилган каолин АКФ-78, ўртача 30-35% оралиғида алюминий оксид, 1,0% дан кам бўлган миқдорда темир оксиди сақлаши билан тавсифланади. Ушбу материал яхши қолиплаш, пластиклик, боғловчилик ва бошқа хоссаларга эга. АКФ-78 маркали бойитилган каолиннинг асосий минерали бўлиб, дифраксион максимуми  $d=0,714; 0,357; 0,233$  нм бўлган каолинит ва  $\beta$ -кварцнинг паст ҳароратли ( $d= 0,334; 0,182$  нм) шакли ҳисобланади.

Графит-шамот оловбардош материали таркибини ишлаб чиқиш бўйича синовларни ўтказиш учун бойитилмаган Ангрэн каолин гили, АКФ-78 маркали бойитилган каолиндан олинган шамот ва биз ишлаб чиққан технология асосида Тасказган конининг графит рудаларини бойитиш орқали олинган 0,2 мм элакда 78-80% қолдиққа эга графит концентрати ишлатилган.



